

Огаҳий номидаги жамғарма  
“Огаҳийнома” туркумидан

Бир йил ичида қоғоз юзини кўрган ушбу рубойлар - кўп йиллик ўйлар, изтироблар, кечинмалар самараси. Яна айтсам, йиллар бўйи муқаддасликни англашга уриниш туйғуси.

Умидим, сиз ҳам уларни шундай деб қабул қилгайсиз.

**КОМИЛ АВАЗ**

**УЧ ЮЗ ОЛТМИШ**  
**(рубойлар)**

**Тошкент**  
**«Ёзувчи» нашриёти**  
**1998**

Хоразмнинг қадимий пойтахти-  
Кўҳна Урганчни хоразмликлар асрлар  
давомида баъзан Кўна, баъзан эса  
Уч Юз Олтмиш номлари билан атаб  
келадилар.

Бу қандай тупроққим, бир эмас,  
ўн эмас, юз ҳам эмас, Уч Юз Олтмиш  
авлиё макон топган...

Уларнинг руҳи поклари бизни  
қўллагай.

Оллоҳ биздан Ўз марҳаматини  
дариг тутмагай.

А 4702820202

М362 (04)-98 Қатъий буюртма - 1998

© Комил Аваз «Ёзувчи»  
напріяети 1998 й.

ISBN 5-8255-0531-8

1

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Якка  
Ўзинг Тангрим, мадад бер, сўз демакка.  
Изн ҳам бер. Уч Юз Олтмиш руҳига  
Тиловат-чун Кўна томон кетмакка.

2

Буюк аждодлардан рухсат сўрадим,  
Сидқидил суҳбатта фурсат сўрадим.  
Бисмиллаҳ, деб уч юз олтмиш рубой  
Битмакка Олоҳдан нусрат сўрадим.

3

Хоразмни олис ўтмиш, дейдилар,  
Бунда не-не абдол ётмиш, дейдилар.  
Шу боис, не аср Кўҳна Урганчинг  
Номин Кўна, Уч Юз Олтмиш, дейдилар.

4

Яралганмиз Ҳақнинг зироатидин,  
Ҳеч ким суво эмас зароатидин.  
Оҳанглар илоҳий, шундан дил сархуш-  
Ҳуффознинг тилсимли қироатидин.

5

## 5

Кимлардир ўйламас не бўлур минбаъд,  
 Алдар олса ҳам ном, алҳазар, минг бад.  
 Аларнинг қалбида эътиқод йўқдир,  
 Йўқдир саждагоҳи, муқаддас маъбад.

## 6

Бировнинг чўққиси бировга пастдур,  
 Барибир, чўққига интилмоқ дастур.  
 Баланд учма - бўлмаса гар қанотинг,  
 Қулоққа илмасанг, бу панда абасдур.

## 7

Янчилик-эзилса, уруқ ёғ бўлар  
 Ва ўтда беаёв куйиб, доғ бўлар.  
 Оёқ остидаги майда тошлар-чи?-  
 Жаъм бўлиб-юксалса, баланд тоғ бўлар.

## 8

Дили хушнуд бўлар, - ҳаволанса ким,  
 Руҳи тетик - иши равонланса ким  
 Ва лекин, бир умр бўлгувси мажруҳ-  
 Магар ишқ дардидан даволанса ким.

9

Ёлгонни ёқлай, деб баъзан алдайсан,  
Ўзингни оқлай, деб баъзан алдайсан.  
Тавбанг қурол бўлгач, эй осий банда,  
Иймонни сақлай, деб баъзан алдайсан.

10

Азизим, бошингиз баланд навало,<sup>1</sup>  
Одобни унутманг, кутманг тавалло,  
Ахир, ҳар одамни саждагоҳ этиб,  
Яратган тоабад Оллоҳ таоло.

11

Азал тугилса-да ҳар ким наво-ла,  
Яшаб ўтар топмай жавоб савола:  
Нега ҳар кимга Ҳақ ҳатто наводин  
Наволигни этмас инъом - навола?

12

Бейймон этгувчи ҳамиша райбдур,  
Ҳар неки гийбатга қўшилмоқ айбдур.  
Қадаминг ўйлаб бос, бу қайтар дунё,  
Ҳисоби-китоби бариси ғайбдур.

<sup>1</sup> *Навало (шева) - нақадар.*

13

Бир олам мазмун бор ҳар дақиқада,  
Умр мужассамдир ҳар ақидада.  
Ҳар они ўлчамли ким топғувси лаъл,  
Лаванднинг лаъли ўтар салиқада.

14

Кимлар нолир ҳарифлар ёвузлигидан,  
Кимлар эса қадр арзон-ожузлигидан,  
Негаки одамлар доим ўзига-  
Маъқулни суярлар ожизлигидан.

15

Биз бормиз ё йўқмиз, қисқа ё фузун,  
Келар тун кетидан оқариб тонг,кун.  
Ким учун бу тунлар,бу кунлар қисқа,  
Ким учун лаҳзаси - асрдек узун.

16

Ҳар кимнинг ичкари олами тилло,  
Қиз, аёлин гийбат қилсалар илло-  
Таънамас,тавба де ва қайта-қайта  
Астағфирулло, де, астағфирулло.



17

Ожизлар гоҳ шиддат солур сўзи билан,  
Гоҳо улар ваҳм солур кўзи билан.  
Дерлар-ку, ажали етса қарганинг  
Уйнашади нақ Бургутнинг ўзи билан.

18

Гоҳ ички нидо дер, увла, эҳ увла,  
Ёниб кетсайди бу аңдуҳи хулла!  
Балким илмидаңдур, куйиб турса ҳам,  
Шукр қил, сабр қил, бўтам, дер мулла.

19

Қай давр устунлик қилса сафоҳат,  
Болалаб кетади офатдан офат.  
Қурт тушган дарахтлар кесилмаса гар,  
Сермева боғларни - ейди қабоҳат.

20

Дунёнинг дурмуши<sup>1</sup> ажиб тилсим, сир,  
Донишлар лафзига эрурмиз асир.  
Ким бундай сўз деган: "Олтин асрдир,  
Симу зар ҳукмрон бўлмаган Аср!"

<sup>1</sup> Дурмуш (шева) ; борлиқ.

21

Маслаҳат қил ўглинг билан - ёш билма,  
Ҳамма ишда фақат ўзинг - бош билма.  
Қанча яқин бўлсанг фарзандларингга,  
Шунча ишчан бўларлар - ювош билма.

22

Улғайган фарзандга катталиқ қилма,  
Қизинг- шуълазанга катталиқ қилма.  
Беқадр ҳарсангга айланмай десаиғ  
Тенг тут барин,ўглим,катталиқ қилма.

23

Муаззин юксақда - хитоби ила,  
Ҳаё юксақлиқда - ҳижоби ила.  
Бундан-да юксақроқ,аъзамроқ эрур  
Жўмардлик нафснинг ижтиноби-ла.

24

Масжид-иймонсизга тўрт деворли том,  
Ишқли одамларга дўсту - ёрли том.  
Ахир, илтижога тушар унда нур,  
Илинжу умидли, номус-орли том.

25

"Таровиҳ"ни "Таровей" дер бирови,  
Бошқа бир намозхон дейди "Тарови".  
Бундан-да, ёмони, баъзи нопоклар  
Билмаслар нимадир поклик гарови.

26

Ғуж-ғуж ақл билан Ҳаждан қайтди у,  
Лутфи-нақл билан Ҳаждан қайтди у.  
Боргунча бир оят билмаган каззоб!  
Ҳаққа даҳл билан Ҳаждан қайтди у.

27

Дунё бир кулгили масирким,ажаб,  
Тўғри сўз деганни, деймиз беадаб.  
Бироқ бу ҳаётда бари ўлчамли,  
Обод бўлмас ҳеч ким бировни алдаб.

28

Гоҳо бездим тухмат, сиоятлардан,  
Лол қолдим гоҳ нечоғ синоатлардан.  
Аммо кўп ўргандим,олдим кўп сабоқ-  
Ҳайратомуз сабру қаноатлардан.

29

Олам ҳам шукуҳли,улкан бир қаср,  
Кулги,фожеъларга ажаб мўл,масир.  
Фақат театрдан фарқли ўлароқ,  
Унда ўзин ўйнар сагиру кабир.

30

Ёмондан ҳазар қил,яхшига назар,  
Авлоддан-авлодга бу ибрат кезар.  
Тақдир бешигини тебратар одам  
Ва лекин, ёзгитни Яратган ёзар.

31

Дунё борки,ҳаёт пасту балад - сал,  
Ҳаётнинг оқими шу ўша-ўшал.  
Эккан уругингни бергувси тупроқ,  
Яхшидан яхшию, ўсалдан ўсал.

32

Энам эркаларди: Номинг сўйлансин,  
Бўйинг ули тоғлар билан бўйлансин.  
Бўтам,бошинг қаттиқ тошдан бўлсин-у,  
Устида тегирмон тоши айлансин.

12

33

Уч нарса бор, эшит, эй оқил фарзанд,  
Бу пандга амал қил, емагайсан панд-  
Тил, қулоқ, кўзингни тиябилсанг гар,  
Толенинг бўлгуси ҳамиша баланд.

34

Дўстларнинг қай бири хушгаъб, зарифдур  
Қай бири сиз ила азиз, шарифдур.  
Ҳариф ҳам Оллоҳнинг улуғ неъматини,  
Йўқса сиринг душман, умр харифдур.

35

Бутунги шиддатинг кечагидан суст,  
Эртанги кунингдан ва лекин дуруст.  
Йилларнинг юкидан эгилмай, десанг  
Ҳаёт ақидасин ушла маҳкам, руст.

36

Нурли кун - ҳамма ёр ўлди, ёр ўлди,  
Уйим ўзимга зор ўлди, зор ўлди.  
Булут келганда қочдилар - уйим кенг,  
Жаҳон кўзимга тор ўлди, тор ўлди.

37

Тонгни ювиб ўтди зулоли найсон,  
Кечаги бўрондан қолмади пишон.  
Бу ҳам бир тилсимдир,кўзёшидан сўнг  
Ғубордан тозалар ичону дишон.

38

Муаттар гул бўйин таратади ел,  
Одамлар обрўйин таратади эл.  
Элга эътиқодинг,меҳрингни берсанг,  
Дунё юзин сента , қаратади эл.

39

Ўрганиб беш-олти оят муладан,  
Олиб андозалар улкан салладан,-  
Ўз нафси йўлида қайтмас ҳеч не-дан,  
На қўрқар каломдан,наки Оллоҳдан.

40

Мосувомас замин ҳислатларидан,  
Тортинмас дунёнинг иззатларидан,  
Баҳраманда бўларким,шуаро кўпроқ,-  
Ёзмоқлик азобин лаззатларидан.

41

Вужудимда ожизлик кўз очдимми?!  
Хорғинликдан дилим ё сўз очдимми?!  
Хаёлларим сарсон кеза бошлади,-  
Умрим хариф кузга ё юз очдимми?!

42

Ҳеч-ким айтмас баъзан ўйлаганини,  
Ўзи билар аксин сўйлаганини!  
Қизиги, инониб, бўйнига олмас,-  
Ёлгоннинг рақсига ўйнаганини.

43

Бир мулк бор, умрга бергувчи зиё,  
Бу илмдир, ондин ким бўлса сиво-  
Гўё яшаб ўтар бахтдан бебаҳра,  
Туйнук, дсразасиз уй ичра сиё.

44

Очунга сигмаслар - бахтиёр дамлар,  
Худ шундай жаҳон тор келганда, гамлар.  
Ахирким, бахту гам эгизак, наҳот,  
Буни - тушингиси келмас одамлар.

45

Ўғлим, ақлинг кўп нарсага етади,  
Пандим балки ортиқчалик этади...  
Майитни эгаси ювиб, кўмади,  
Келганлар фотиҳа ўқиб кетади!

46

Бошим гоҳ айланар рофатларингдан,  
Раббим, ҳам келмасму роҳатларингдан?!  
Ҳаяжоним гулларининг бўйидан-  
Мастман, ўзинг сақла офатларингдан!

47

Кўпмикан вужудда лойқа моу тин,  
Ё устунми - у қалбдаги оловдин?!  
Ловуллаши чақмоқ чақиб ўтгандай,  
Қолган умри оройишда олар тин.

48

Парвардигор! Айтар сўзи насиҳат,  
Одамлар бор, қилар иши фазиҳат.  
Улар билмас кулишларин устидан,  
Бағри кенг дониш эл аҳли фазилат.



49

Инсоф бер, Тангрим, қай қассобларингта,  
Ҳаромдан беҳазар қаззобларингта.  
Номинг билан онг ичувчи нопоклар-  
Билмас дуч келишпин азобларингта!

50

Кўп ранж кўрдим, бўлдим банди қамоқда,  
Қолдим неча, сўнгги нафас рамақда.  
Бу дунёнинг хушомад, мақтовлари  
Муқим экан, ўткир учли қармоқда.

51

Хотинлар бўлишиб йўлда, савдода,  
Эркаклар қолсалар уйда мабода,-  
Ровийлар демишлар неча минг аср,  
Нохуш хавотир бор - келмиш балода.

52

Ўткинчи дунёда кўп ҳам гам ема,  
Бахту саодатлик фақат ганж, дема.  
Майлига, ул юки тилодан бўлсин,  
Ахир, оғир бўлса, чўқади кема.

53

Дўстлар деб яшайсан, умринг борки то,  
Дўстликда кўрасан асл муддао.  
Гоҳ дўстлар қаҳридан бўласан зада,  
Зорланма, қайтар сен қилган иддао.

54

Шифо топар кимлар илон заҳридин,  
Гоҳ малҳам топмассан қай дўст меҳридин.  
Чунки ул меҳрдан гоҳ томар заҳар-  
Ёмондир агёрнинг очиқ қаҳридин!

55

Бебаҳо бир дурмисиз, биллурмисиз?  
Ё ўзингиз - дурга тенг биллурмисиз?  
Майлига, лекин билинг бир нарсани:  
Ҳеч эмас дур ҳамда биллур-нурсиз!

56

Одамнинг юраги сиқилса музлаб,  
Кўкка тикилади, кенгликлар излаб.  
Баъзан толдиради Ердаги алдов,  
Умр ҳам ўтади тенгликлар излаб.

57

Қай замон ёлгонлар авжланса жуда,  
Онт ичарлар барча ҳуда-беҳуда.  
Билмасларки, ҳар қасам-онт сабабдан,  
Бош эгишин, ҳар ожизлик олдида.

58

Қачонки одамнинг илтиозлари,  
Кўп бўлса, кам бўлар илтижолари.  
Бошига иш тушса ёхуд дард тегса,  
Фақат Оллоҳ бўлар - дилга жолари.

59

Бисёрдир нарсаким, дунёда музир,  
Инкор этмас одам, истабон мунир.  
Билмаски, ҳар не мол захирадаги -  
Вафо этмас асло. Вақт ўтса айнир.

60

Қанча мавжуд бу табаррук туробо,  
Бетаъма яшайди аҳли зурафо.  
Ким ҳазар этмаса киши ҳаққидан,  
У дунё-бу дунё тортгувси жафо.

19

61

Кимлар яширолмас иштибохлигин,  
Тезлар иймонининг интифолигин.  
Умрин зое этар, бошқара олмай  
Қулоқу кўз,тилниг интифоқлигин.

62

Бўйнига дур тақди шода-шоода у,  
Ўғил-қизин туширмади ёда у.  
Қариганда кўп оғирлик этди дур,  
Суймасди тош - бўлмаса гар лода у.

63

Яшаш тарзидайин бисёрдир зухур,  
Биров ранжигандан,ким топар хузур  
Унинг ҳам ёзғиги бордур, ё эрта,  
Ё индин - кўргиги олдинда турур.

64

Ҳайратланманг шайдойи вола ашқдин,  
Дил тубидан чиққувчи нола ашқдин.  
Балки ошсин ҳайрат, таажжубингиз,  
Ажрашиб ҳам - тўкмаган жола ашқдин.

65

Ҳар не акс этмоғи хислати қалбнинг,  
Ҳасаддан ортғуси иллоти қалбнинг.  
Аҳволи не кечгай ўзи мушғдай-а,  
Лат еяберса ҳар қабати қалбнинг.

66

Кўпдан воқиф одам ул гайбдан бўлак,  
Бир дунёи олам ул гайбдан бўлак.  
Лек қайда чиқарар сўнгги нафасин,  
Билмас ҳеч ким, олим ул гайбдан бўлак.

67

Кими кўнгли қаро идбори чоҳдир,  
Охирати афсус, надомат, оҳдир.  
Дили пок одамнинг умри зийнатли,  
Муқримат тахтида муқаррам шоҳдир.

68

Ҳеч важ йўқ-зурёддан азиз, дунёда,  
Қартайган сайинким келар чун ёда-  
Ожизликми бу ё, эй оқил фарзанд,  
Кулиб боқ, гул умринг бўлсин зиёда.

21

69

Яхшидир, ёмондир сенга боладир,  
Фозил фарзанд элда кўкси болодир.  
Худо кўрсатмасин гар бадхулқ бўлса,  
Ул элнинг бошига тушган балодир.

70

Уруғ тортиб, безор этса гоҳ биров,  
Қайга борса, солса ғавғои гирев,  
Бундай бадном хусусида ўттанлар,  
Демишлар, итдан "вов", мушукдан "миёд",

71

Кими касби, хулқи хушлик сароғоз,  
Сарфароздир, сарфароздир, сарфароз.  
Кибр дардига гириф кимдир, аъмоли  
Инқироздир, инқироздир, инқироз.

72

Бекам яшар ҳунар бўлса алинда,  
Ҳам қувватли, кучи бўлса белинда.  
Лек фожеъдир билинмаса бор-йўти,  
Ҳар одамнинг ўрни бўлсин элинда.

22

73

Қаҳр билан тебратмагил бепикни,  
Турмуш чигалқаттиқ ёғма эшикни.  
Бир кун келиб очмоқ қийин бўлмасин!  
Салга бузма - ишқ аталмиш кўшкни.

74

Ташвишлар юкининг мезони - ақл,  
Енгил, огирлигин авзони - ақл  
Ақлни эъзозланг, ҳар сониеда  
Бошқарувчи бари аъзони - ақл

75

Назм ийнди келаётиб пиёда,  
Отда юрганларим тушибми ёда?-  
Билмадим не тугён туртки бўлдиким,  
Бу ажиб рубоий келди бунёда.

76

Ўйламадим рубоийлар ададин,  
Битабердим туйиб тотли лаззатин.  
Кўпайиб қолганда англадим Ҳақнинг,  
Менга ирсол этмиш алф саховатин!

77

Гарчи бўлмаса ҳам гаҳи ифтиқор,  
Қай аёл савдо-ла этар ифтихор.  
Ҳафтада дунёни айланиб чиқар,  
Ки юқдан ҳам кифти ҳамда жуфти хор.

78

Инсоннинг энг файзли мулки муаддаб,  
Соҳиб улни хор этмагай муаббад.  
Муаддабнинг - бир қаноти содиқлик,  
Бир қаноти - илоҳий ишқ-муҳаббат.

79

Ҳар иш талаб этар мувозабатни,  
Шул аён этади муносабатни.  
Биров шайтонлигин бисёрлигинин,  
Фойда деб орттирар кўп касофатни.

80

Биров бахтсизлиги муҳтожлигида,  
Бошқа бировники бетожлигида.  
Биров бор муҳтожмас, амали ҳам бор,  
Вале, бахтсизлиги - бежоллигида.



81

Фотиҳада жуфтлабон сиз қўлингиз,  
Кароматли иков сонни қўшингиз -  
Чап қўлда саксон бир, ўнгда ўн саккиз,  
Ҳақнинг тўқсон тўққиз номин ўқингиз.<sup>1</sup>

82

Қўпгина мардумнинг охириги нафас,  
Одий сўз айтишга забони келмас.  
Пинҳон мағрур кирар видолашувга,  
Мавтидан бир кун олдин фалонкас.

83

Фалон ўлди, иродаси Оллоҳнинг,  
Фойдаси йўқ, дерлар, фарёду оҳнинг.  
Майли, йиғламангиз, вале улуғланг  
Ҳукмига жо-бажо ул соҳиб жоҳнинг.

84

Аъмолига бўлмаса гар жўянда,  
Маснад мақомига етмас гўянда.  
Ахир, ўткир бўлмас қаттиқ пўлат ҳам  
Куйдириб, оташда тобланмаганда.

<sup>1</sup> Ҳамма одамнинг чап қафтида арабча 11 (81) ва ўнг қафтида 18 рақамлари мавжуд. Фотиҳага қўла очганда искала қафтига сизни бир-бировига теккизиб ушбу рақамларни қўшсангиз (81+18)=99 сояи ҳосил бўлади.

85

Санарлар ҳар дамнинг гуноҳ, савобин,  
Ташланмиш одимнинг гуноҳ, савобин.  
Вожаб ўзинмас, санагусидир  
Ким бошқа одамнинг гуноҳ, савобин.

86

Билмам кўнглинг кимга ато бўлибдур,  
Балки, ишқим тушиб, хато бўлибдур.  
Не бўлса ҳам суҳбатдошим, сирдошим-  
Гаҳи дотор, гаҳи сато бўлибдур.

87

Тапшиларим қай бирини гапирай,  
Улгурмаган орзулар ҳам бир талай.  
Кун ботса отишин, отса ботишин,  
Бетоқат кутамиз нени, ёпирай?!

88

Фарзандим тезобсан айрипалангдан,  
Хабар ололмайсан амма-холангдан.  
Вақтинг йўқ, кунларинг адашар баъзан,  
Тўхта, не кутасан эрта - болангдан.

89

Кимдир яшар диним салиқатим,деб,  
Ким умрин бағишлар тариқатим,деб.  
Ким яшар диним ҳам,тариқатим ҳам  
Ҳақ жо бўлган қалбим-ҳақиқатим,деб.

90

Доно лақаби гоҳ шайтон исминда,  
Чунки шайтон доим доно изминда.  
Билъакс нодонни ўйнатар шайтон,  
Чун шайтон тоабд нодон жисминда.

91

Дилни яширмаслар, афғонга ўраб  
Ҳам ул ғамни ашқи галтонга ўраб.  
Фақат ҳақиқатни, дунё бор абад,-  
Сақларлар ложувард ёлгонга ўраб.

92

Калтабин,беўйдан кайвони бўлмас,  
Ундайнинг муқаддас аймони бўлмас.  
Нодонлик ҳам бир дард умрлик савдо,  
Дерларки, нодоннинг иймони бўлмас.

93

Сомонхона тўри - сичқон чопгани,  
Товуқ чўқир ерни - ахлат топгани.  
Ит - суягин қизганар, гар қутурса,  
Тапланади эгасини қошгани.

94

Ҳар мавсумнинг ўзига хос эпкини,  
Ов чоғида занглатмангиз тепкини.  
Отни миниб, мақтамангиз эшакни,  
Пайт пойлайди сизни жуфтлаб тепгани.

95

Умри қисқа - ҳар қандайин риёни,  
Яхшилик нур, ёритади сиёни.  
Сукрот айтган, тегишга ишонмам,  
Ёмонликнинг яхшиликка зиёни.

96

Охират манзили яқинмас, ахир,  
Оғир юқдан бўлар елкангиз яғир.  
Не бўлсаям ҳаддан зиёд истаманг,  
Тўлови ҳам кўп оғирдир, кўп оғир.

97

Ер билан муштарак ҳавоси дарднинг,  
Вужудда мужассам навоси дарднинг.  
Абад муқаддаским туғилган тупроқ,  
Чун унда гиёси-давоси дарднинг.

98

Хаёт бир уммонки, мавжли, тўфонли,  
Осмони гоҳ бегард, гоҳо туманли.  
Адашмогинг осон, ўғлим, огоҳ бўл,  
Елканингта ямоқ тушар кўп сонли.

99

Дерлар, кимқи кема ичра жони бир,  
Чун чўксалар, гарқ ўлмоқнинг они бир.  
Аммо нега суза билмас кимсалар,  
Юк бўлишар, айтинг менга, қани бир?

100

Ажаб қизиқ ишлари кўп дунёнинг,  
Ҳусн ўткир қуроли қоши ёнинг.  
Бахтдан кўра ханжар иши жароҳат,  
Каромати кўп-а Расул Оллоҳнинг.

## 101

Мушкулдан-мушкул кўп, осондан-осон,  
 Мушкулнинг осон эт, ўзингда имкон.  
 Умргузаронлик осон мушкулмас,  
 Ёмони,ташвишнинг бўлмаса ёмон.

## 102

Йўллар турли-турли излар, сўқмоқлар,  
 Адашмасанг-да тушар гоҳ - тўқмоқлар.  
 Тўқмоқлар ҳам кўпда яхши мақтовдан,  
 Мақтовларнинг гадосидир аҳмоқлар.

## 103

Ҳам оғир,ҳам енгил бир юк бор,дўстлар,  
 Ҳам қувонч бағишлар,ҳам озор,дўстлар.  
 Муҳаббат юки бу қўш қанотга пар,  
 Бир елкага тушса, дунё тор, дўстлар.

## 104

Бир гал дарё бўйи, бир сафар қумда  
 Кўп гийбат сўзладинг,бу калла хум-да,  
 Айтган одамнингни ангиширолмадим,<sup>1</sup>  
 Ўйладим,бу сену менинг ҳақимда.

<sup>1</sup> Ангиширолмадим (шече) - факрлави олмадим.

105

Бировлар бор, юз йил улфат бўлса ҳам,  
Нечаким шодлигу кулфат бўлса ҳам,  
Озми - кўпми гийбатинг қилади, ўзин  
Гарази йўлида мунҳат бўлса ҳам.

106

Бу дунёдан олиб кетар бир мулк бор,  
Наки дўст дахлдор, наинки агёр.  
Бу мулк қалб мулкидир, вужуд таянчи,  
Ҳар не хотиротдан тилсимий тумор.

107

Биров бор маънили мулкатлигинин,  
Бор вужуд сокиндур мукнатлигинин.  
Ким ожиз бўлса гар кўпроқ чираниб,  
Кўкрак урар - фикри мунҳатлигинин.

108

Қизиқ-да, дунёнинг сиру асрори,  
Алдашлик, панд бериш кўпларнинг кори,  
Бошқалардан нолир фирибгарлар ҳам,  
Ажабким узилмас тириклик тори.

109

Тилни сақлаб бўлмас дандон ичинда,  
Баъзан заҳар ўйнар хандон ичинда.  
Минг хил рангда бир тил товланар, ажаб,  
Ахир минг хил дон бор ҳар дон ичинда.

110

Алдар чоғинг бол томса ҳам сўзингдан,  
Ноҳолислик яширинмас кўзингдан.  
Юз ўтирса, айб ахтарма дўстингдан,  
Ўзингдан кўр, ўзингдан кўр, ўзингдан.

111

Яхшилиқ гўзалдир бе сийму бе зар,  
Ёмонлик тутунин яхшилиқ кесар.  
Яхшилиқ эк, кўпаймасин бад уруг,  
Неча минг йил эда бу ҳикмат кезар!

112

Эй фарзандим, адаб мисли сийму зар,  
Аввал-охир бор вужудингни безар.  
Ризқи мўллик - камтарликни одат қил,  
Тақаббурлик бадтийнатдур, алҳазар!



113

Тезобнинг - ҳол сўрашга ҳам вақти йўқ,  
Эртасини кўришга ҳам вақти йўқ.  
Беўйликдан умр иши чаладир,  
Гўё унинг ўлишга ҳам вақти йўқ!

114

Вақти зиқлик дангасалик нишони,  
Ҳисоблимас яшаш тарзи, ҳар они.  
Нолиб яшар, бисёр орзу - армони,  
Билмас бекор ўтар - умр, замони.

115

Ожизларнинг нидосими сабрлик?  
Қувватнинг алвидосими сабрлик?  
Тенгсизликнинг тарсақиси ёхудким,  
Келажакнинг садосими сабрлик?!

116

Покравларнинг аъмолидир сиёнат,  
Кажравларнинг иши доим хиёнат.  
Йўлсизларга эргашади амолар,  
Ҳам бўлмаса кимда дину диёнат.

117

Нечог бўлса нозу карашма, ибо,  
Ярашукли эрур фаслига сибо.  
Қарилғининг нози инжиқликдир чун  
Йўқдир ишрат мунҳадимдин ким сиво.

118

Талашар тун ила мушкин сочингиз,  
Мушки ила дилга мушкул сочингиз.  
Шаббодада тўлғониб сархуш этар,  
Олам узра сочиб мушк ул сочингиз.

119

Ношудлар бирлашар ҳар ён-ҳар ёнда,  
Тошлари маҳсулли аҳён-аҳёнда.  
Бироқ мажруҳ этган не-не алшжорин,  
Бесамар кўролмай ёнар гирёнда.

120

Номарднинг қалбида мардларнинг қабри,  
Кўмолмай хунобдир бардоши, сабри.  
Бироқ икки дунё тортмиши огир,-  
Юраги қабристон одамнинг жабри.

121

Кимлар қолмай, дея гуноҳга ботиб,  
Ерга боқиб юрар аста, уятиб.  
Адаб яхши, лекин шуларнинг кўпи  
Пинҳона бировга юрар тош отиб.

122

Бул заминда турли-турлидир салаф,  
Гулу гулзор аро бир сассиқ алаф.  
Бадбўй ўтдай ташланмаса суғуриб,  
Худбинлик ҳам илдиз отар ҳар тараф.

123

Худбин ташлар ўзига мос қадамни,  
Ўзи учун олар нафасни, дамни.  
Унинг битта айби бор, бедаволиг,  
Одамлардай суябилмас одамни.

124

Шашқалоклик, тавба, ўхшарми мунча,  
Ўт устида тургандайин мис тунча.  
Бесаранжом шақирлайди мудомо,  
Манглайида тер-у, муштдай тутунча.

125

Сабру тоқат дононинг деворидур,  
Эътиқоди - гумбази давворидур.  
Девор ичра бойлик мавжудлигини,  
Бесабрлар англолмай овварадур.

126

Аёл бахтли, вафода аҳдли бўлса,  
Ўғил-қизи уй-жойли, тахтли бўлса.  
Бахтиёрлик беададир, яна ҳам  
Аёл бахтли, севгидан бахтли бўлса!

127

Эр хотинин, хотин эрин обрўйин  
Оспирсалар-қайтармай ҳеч бир раъйин -  
Фарзандларга ҳам сабоқдир, ҳам ризқдир,  
Элга ҳам файз, таратгандай гул бўйин.

128

Остонадан ҳатлаб кирганда бир зум,  
Кўнглингиз тоғ, аёл этса табассум.  
Сарбаланддир гоят табассум кучи  
Бўлса магар покиза, тоза-маъсум.

129

Умрингиз охирлаб келганида салх,  
Рамақингиз бўлмагай шўр,таъми талх.  
Куйинмангиз - меҳварида айланган,  
Сизсиз ҳам айланар бу ёлгончи чарх!

130

Қадрингни баланд тут,токим тириксан,  
Ожизлигинг унут, токим тириксан.  
Бир сенмас риёзат чекиб яшовчи,  
Мард бўлиб "оҳ"ни ют,токим тириксан.

131

Одамнинг душмани ғазабу жаҳл,  
Дерлар жаҳл келса, кетади ақл.  
Магар ақл бўлса,келмасди ғазаб,  
Шундан сал нуқсли айтилмиш нақл.

132

Не суд эрур озгина севмоқ учун,  
Яшагин соз,созгина севмоқ учун.  
Аслида ҳурматинг жойига қўй-у,  
Ўзингни сев,ўзгани севмоқ учун!

133

Бойликда яшайди қай бир омадли,  
Сал бундай яшайди ким қаноатли.  
Аmmo билиб бўлмас, ҳаёт кўп чигал,  
Қайси бахтли - эшаклими, ё отли.

134

Бадавлатнинг муҳтожлиги қашшоқлик,  
Қадди тикмас, бўлса ҳам минг бопоқлик.  
Бойлигин сақлаш-чун тили қисиклик,  
Боши опоқликдир, боши ошоқлик.

135

Қўрқув жон азоби, дилнинг озори,  
Андин ортар қалбнинг нолаю зори.  
Бир бошга бир ўлим бордир, деган он  
Қасод бўлар қўрқоқликнинг бозори.

136

Ҳар доим ўзингга раволик тила,  
Ташвишим ортсин, десанг бойлик тила.  
Иззату ардоғда яшайин, десанг-  
Тангридан ҳар тонг хотамтойлик тила.

137

Ўғлим,имконингта кўра Оллоҳдин  
Мадад тила,адашмагайсан роҳдин!  
Ва илгингдан келмас ишга уринма,  
Воз кечишга мардлик сўра Оллоҳдин!

138

Орзиқиб кутаман ҳар тонг отишин,  
Илҳақ қарпилайман ҳар кун ботишин.  
То вужуд хотиржам,бу ҳол сўнмагай  
Ва қалбда - ишқ мавжуд ўтлуғ,отапин.

139

Дўстлар ҳақда тортқилайди хаёллар,  
Дугоналик безагидир алёрлар.  
Аммо доим янги либос киярлар,  
Дугоналар, куйсин дея аёллар,

140

Дўст бўлмас бошлиғу аҳли аъёнлар,  
Ёқа ушлаб бунга бўлманг ҳайронлар.  
Нечук дўстлик хусусида сўз бўлғай,  
Бош масала эрса амал, ҳамёнлар.

## 141

Эзмалик эскидан гуноҳи азим,  
 У тинглаб бировни қилолмас ҳазм.  
 Ал-Форобий дуруст деган бу ҳақда:  
 «Кўп гапирганни кам тингламоқ лозим.»

## 142

Ҳамма пок муршидмас, кийса ҳам ридо,  
 Таъсирсиз юракдан чиқмаса нидо.  
 Дардинг ҳам малҳами, шифоси бордир.  
 Одамни гам ейди, қилади адо.

## 143

Эсса тароватли гар субҳи риёҳ,  
 Қир-адрга бахш этар кўрк - гул, гиёҳ.  
 Кулмаганга кун йўқ дерлар, кулгандан  
 Кунни кулмас, бўлса ким бахти сиёҳ.

## 144

Бари нарса бўлар илк, биринчи бор,  
 Бўса, висол тунн лаззатли, бедор.  
 Йиллар ўтиб илк бор титрар қўлоёқ,  
 Лек яхши-ёмонлик бўлгувси такрор.



145

Ҳеч қувват-ишқ бермиш дармонча бўлмас,  
Ҳар не ўқ - ёр отган камонча бўлмас.  
Юз йил умр кўрсанг ҳамки,эй мардум,  
Севилиб ўтган бир замонча бўлмас!

146

Дим тез келар кўк,тут,гурвак<sup>1</sup>,салқин куз,  
Қор,ёмғир сингмасдан келар гул,наврўз.  
Киприк қоққанчамас умр,сергак бўл,  
Ё айтиб қоласан, ё айтмайин сўз.

147

Автобусда жой беришди бугун тонг,  
Қаридим ё сўлгин юзимдаги ранг.  
Минганда тик, тушганда сал эгилдим,  
Қулогимда жаранглади мунг-оҳанг.

148

Пул - ҳам қулинг,ҳам хўжанг,яқши бил,  
Дўст эмас у на ички, на тапқи, бил.  
Эсинг бўлса,ҳеч вақт унга эрк берма,  
Қул бўлсанг гар,кетар умринг нақши,бил.

<sup>1</sup> *Хоразмда ялқ чиқадиған, тавсияқ таомлар  
тайёрланадиған ўт, мева, қовуш.*

149

Оқилча беролмас обрў ҳеч нигин,  
Беақлик этар бошингни нигун.  
Эртани билмайман, жоним омонат,  
Ақл тилагайман Оллоҳдан бутун.

150

Умр - оқар дарё, гоҳ ерда мавжли,  
Гоҳ ерда сокин у, гоҳда аянчли.  
Гоҳ ерда тошлардан тилинар дили,  
Суярлар бўлганда шиддатли, авжли.

151

Биров тамакини қилар ташвиқот,  
Биров зарарини уқтирар бот-бот.  
Ҳаёт ўйинига ҳеч тушунолмадим,  
Одам хуруж этар неки бўлса ёт.

152

Баъзан кўролмасдан вақти чоғлигим,  
Отдилар тош, нишон бўлди соғлигим.  
Бас қилинг, тегманг, деб айта олмадим,  
Ҳеч руҳсат бермади тортинчоғлигим.

153

Муҳаббат оғриқсиз бўлмайди ҳеч вақт,  
Васлдан дил туби тўлмайди ҳеч вақт.  
Жисму жон озиги бўлса маъшуклик,  
Гул сўлар, муҳаббат сўлмайди ҳеч вақт.

154

Майли, не хусусда урмасинлар лоф,  
Ишонар бўлса ким содда, дили соф.  
Соддалик ҳам бир бахт, ҳеч бўлмаганда,  
Лағвага эрк бериб, этмиш эътироф.

155

Соддадил кўп, чидарлар, алда, эт лоф,  
Ҳар не фириб бир кун топғувси итлоф!  
Донишлар, айтмишлар, кутманг ҳеч замон,  
Алдоқчидан чин сўз, шайтондан инсоф.

156

Ўз нафсинг йўлида топмоқ учун лаъл,  
Ўзлигинг йўқотма, этмагин зулал.  
Бевафо ҳар не деб чекма риёзат,  
Чун умр бўлғувси бир нафасда ҳал.

157

Бир кун ёруғ бўлар бари зулумот,  
Вақти-вақти ойдин бўлгай мавҳумот.  
Маломат зулмидан Худо асрасин,  
Балки у ёришмас, ўтгунча ҳаёт.

158

Муқаддас туйғу бор муслим одамда,  
Жаннат, деб яшайди ҳар лаҳза, дамда.  
Бўлакмикан бошқа мазҳаб жаннати,  
Учрашиб қолмасми уёқ оламда?

159

Одам баъзан хаёлидан чарчайди,  
Баъзан юмуш-аъмолидан чарчайди.  
Барибир, лаззатли ушбу чарчоқлар,  
Йўқса, умр айёмидан чарчайди.

160

Беҳаддир одамнинг имконияти,  
Ўзин ўтга уриш ҳам сиёнати.  
Яхшилиги беададур, ё тавба,  
Бордур адо бўлмас ҳам сиояти.

161

Кимлар кўзбойлоғлик юрарлар дорда,  
Қўнса қуш учолмас, кас учар қорда.  
Ҳар не тўсиқ енгишга қодир-ку, нечун,  
Дудуқланар баъзан такалуфда, изҳорда?

162

Ҳар бир хотин обрў истар эрига,  
Истар рўзгор, уй-жой, бистар эрига.  
Нечоқ хушрўй бўлур бунинг устига,  
Вафо ила бўлса хўстор эрига.

163

Недур умр кўрки, нақши, зийнати?  
Не деб урар ҳар дам инсон сийнати?  
Дерларким бир одам умрини яшаб,  
Ўтмақдир ҳар кимнинг асл нияти.

164

Жонга қасдми, қаро гаразми кўзлар?  
Йўқса не хушнигоҳ гаразми кўзлар?  
Яхшиям соддалик ато этилган,-  
Аён этар қувончу аразни кўзлар.

165

Кимда нечоғ бұлса ҳиммат,саховат,  
Шунча рафъи зрур савлат-салобат.  
Сахийлик бир ажиб меҳри рахшонким,  
Дилларни ёриттай абадул-абад,

166

Бадбахтта дўқ этма,юз-кўзинг демас,  
Сабри йўқ,тўхтатмоқ сўнг енгил эмас.  
Бахтиёр одамни кўрқитмоқ осон,  
Ул бахтдан мосуво бўлмоқ истамас.

167

Ношуд мағлубликдан ғам емас,ажаб,  
Ўйсиз оёғига дам бермас, ажаб.  
Лоқайд даҳшатлироқ,ерни сув босса,  
Ёраб,тўшигига ҳам келмас, ажаб.

168

Не хўр этсанг,шундан хўрлик кўрасан,  
Пул хўр этсанг,пулдан хўрлик кўрасан.  
То тириксан, аёлингни ардоғла,  
Гар хўр этсанг,ундан хўрлик кўрасан.

169

Пул топиш бир илм, сарфлаш бир илм,  
Зарурат бобида сақлаш бир илм.  
Таърифлаш бир илм, ҳаётдан ўрган,  
Бариси, эй ўғлим, тилсимдир, тилсим.

170

Иқтисод ҳисобни суюди доим,  
Ҳаётда, беҳисоб куюди доим  
Ва лекин, тежам деб ким емай-ичмай,  
Баланд тоғдай гурбат уяди доим.

171

Бировлар тежамни зикналик дейди,  
Шу боис тошганин шу бугун ейди.  
Қорни тўйса кўкрагига урганлар-  
Эртаси ечилмас, зил тутун ейди.

172

Кимки этса иқтисодда ижтиҳод,  
Унга насиб этар зийнатли ҳаёт,  
Фақат тежам эмас, уни сарфлаш ҳам  
Ажиб иқтисоддир, ажиб иқтисод.

173

Тоғлар вазмин тирикликнинг алёри,  
Зинда замин тирикликнинг алёри.  
Қадар ҳамин авжли бўлса,хушдурур,  
Қадр самин тирикликнинг алёри.

174

Бу тубсиз уммонда нечоғ сафина,  
Чайқалиб излайди битмас дафина.  
Чун тенгсиз курашда тўлқинлар аро-  
Зор бўлиб чўқади яккаш кафина.

175

Фараҳбахш еру кўк,дилда наволиғ,  
Пешма-пеш умр ҳам этмиш раволиғ,  
Куппа-кундуз куни алахсирияпман,  
Мени тез уйғотинг,бу не расволиғ!

176

Гаҳи кўриб қолсам - кўнгли ғашли ким,-  
Тутиб кетар бирдан тарафкашлигим.  
Лек тинчиб аламин мендан олади,  
Ўйлаб дилсўз дегум кўзи ёштаким.



177

Қилолмай дилига навозандалик,  
Яшар ким заминда,бу не зиндалик?  
Балки,ундан кўра онги киргандан,  
Яхшимасми бажо этса бандалик?

178

Ҳамма нарса бўлса магар етарли,  
Демак недур етишмайди айтарли-  
Ё ақлу фаросат, ёинки идрок.  
Бу эса ўйлаб кўр,бироз хатарли.

179

Энг катта офат бу руҳий хорғинлик,  
Юракни кемирар ички ғамгинлик.  
Нотавон дардманднинг давоси битта,  
Таскинлик ким ичра топмоқ тамкинлик.

180

Доим яхшилик-ла йўл олиб бўлмас,  
Бироқ ёмонлик-ла олган йўл йўлмас-  
Боши берк кўча у. Орқага қайтиб,  
Янгидан хайрли йўл солиб бўлмас.

181

Дерлар жуда ширин бўлма, ютарлар,  
Аччиқ бўлсанг, туфлаб четга отарлар.  
Лекин ким ширинга, ким ўч аччиққа,  
Шундан ялаб-юлқаб, туфлаб ўтарлар.

182

Ҳаёт кечмас сен кутгандай жўн бўлиб,  
Ёқа йирта берма дилинг хун бўлиб-  
Яхшию ёмонлик, қилгандан эмас,  
Бошқадан қайтади, бир, беш, ўн бўлиб.

183

Ўзсанг, аста этагингдан тортарлар,  
Дўстлар дўстларига олиб-сотарлар.  
Ўралашиб қолма истаб ҳақгўйлик,  
Олга юр, тутамас хавфу хатарлар.

184

Хушсуханни Оллоҳ ўзи дилбанд этар,  
Кўп меҳрибонликларга тирбанд этар.  
Бул меҳрдан манманликка минганни-  
Қулогин қар, кўзин кўр, тилбанд этар.

## 185

Қаттиғ сўз-ла юракларга ниш урма,  
 Ҳаром-ҳариш ҳар луқмага тиш урма.  
 Бир кун нишу тишинг синиб қоларсан,  
 Шунда кулиб этарлар бир-бир оширма.

## 186

Шошма, дўстим, сенга яккаш панд этгум,  
 Қабул этсанг, дилимдан нўшханд этгум.  
 Сен каттайдинг, ёшу ялангдан кулма,  
 Демасинлар, калтафаҳм, боши хум,

## 187

Қуёш пешингача узоқ туради,  
 Сўнг номозгар, билинг, хуфтон бўлади.  
 Неки ишинг, пешингача қил, йўқса,  
 Афсус ейсанг, дилинг хуфтон бўлади.

## 188

Эй биродар, қулоқ бер, тин ол бир зум,  
 Юзингдан кетмагай кулгу, табассум.  
 Осмон қадар мақтасанг ҳам ток бўлмас,  
 Ит узуми ит узумдир. Ит узум.

189

Отли билан отли боришар муқим,  
Пиёда тушунмас буни энг муқим.  
Шарбат суви ила нечоғ қорсанг ҳам,  
Ахир,қўшялганми шагал тошпу қум?

190

Ўғлим,қўлинг очиқ,бошинг ҳам бўлмасин,  
Сарфу харжинг тенгтингдан кам бўлмасин.  
Амниятта неки даркор, аяма,  
Пушаймонинг тоғдай улкан бўлмасин.

191

Ғаройиб беадад, адоси йўқдир,  
Бадхулқнинг ҳеч замон шайдоси йўқдир.  
Жоҳилга панд ўқ олишдир зулматта,  
Кўрга бадланганинг<sup>1</sup> фойдаси йўқдир.

192

Ақл билан доим бирмас харосат,  
Дерлар, мансаб боиси ё ҳадосат.  
Дуруст,кимди амал оқил кўрсатар,  
Тупса,фаҳми на кўк,на ер аросат.

<sup>1</sup> *Бадланиш (шева) - ўқрайиб қараш.*

193

Боймасман, дер, гүшт чопарга болтам йўқ,  
Фарибмасман, кашкул, тўрва-халтам йўқ.  
Пинҳон манманлиқдир ўта хоксорлик!  
Ундайларга хайрихоҳлик, малҳам йўқ.

194

Зироатда очмоқ лозим ер кўзин,  
Кейин айтсин деҳқон айтарлик сўзин.  
Акс ҳолда, аъло бўлсин уруги  
Ҳосил бермас, қаро этади юзин.

195

Гарчи одам, ерни сўзу сув безар,  
Одамни сўз, ерни - сингмай, сув бузар.  
Кўзин очмай сув бергандай бад этар-  
Сингмаса сўз, бўлса ҳамки сийму-зар.

196

Ҳамма замон ҳамма безор бадгўдан,  
Қариблар ҳам кўрар озор бадхўдан.  
Қаргадан қор, совуқ, шамол, изгирин,  
Бошқа не кутасан асли бадрўдан.

197

Дунёда не етсин бекам-кўстликка,  
Бироқ бордир ташвишли жумбоқ якка-  
Сиринг айтсанг, жонинг доим ҳалақда,  
Сир айтмасанг, пугур етар дўстликка.

198

Муддат-муддат ўзгаради ҳарифлар,  
Бунга жуда кўпдир тазкир, таърифлар.  
Йиллар ўтиб, аста-аста тозариб,  
Қолар охир туғишганлар, қариблар.

199

Хуш айёмкан талтайишлар, талтифлар,  
Бир - биридан гўзал дўстлар, таълифлар.  
Бир кун бари хотиротта айланар,  
Дерсиз, кўп-а дунёда мунсарифлар,

200

Ҳар не заҳмат, қочма, бошгинангни тут,  
Сал гапга зорланма, ёшгинангни тут.  
Қаторда қаддим тик юрсин, десанг гар,  
Қол-баҳол бир чимдим ошгинангни тут.

201

Тош билан урганни, ош билан ургин,  
Оталар сўзи бу, хотирлаб юргин.  
Ҳар опинг еганда, ўзи билади,  
Баттар хўрлаш истасанг, ҳолин сўргин.

202

Баланд тутма юрсанг тулпор-отда ҳам,  
Меҳр уйғот - нақи яқин, ётда ҳам.  
Балчиқнимас, балчиқда Ой аксин кўр,  
Кўнглинг ёруғ бўлсин зулумотда ҳам!

203

Кўплигидан ҳозир созчи саёқлар,  
Азми навбат кутар не-не таёқлар.  
Не судким, уларнинг айбин пўшлагай  
Бесавод айёшлар, чархи аёқлар.

204

Кийимим эскирмасин, десанг, кийдир,  
Емак исроф бўлмасин, десанг, едир.  
Икковиям саховат ибтидоси,  
Не аср, минг йиллар удуми шудир.

205

Яхши-ёмонликдан сўйлар хонишлар,  
Қораланган сўздан қайтиш,тонишлар.  
Доно билан нодон аразлашса гар,  
Донони айбдор, деб билган донишлар,

206

Тоза уқдинг,на фаранг,на ҳинд қолсин,  
Сухбатингдан на зоҳид,на ринд қолсин.  
Ақлингни хўп пешлаганинг яхши-ёв,  
Сал содда бўл, ишончга ўрин қолсин.

207

Не қадар қуйдинг ақл - қулзумга?  
Сўрсаларким сақлаб сукут,бир зумга,  
Дониш демиш, нечоғ лабо-лаб этдим,  
Ишонмайман энди ҳатто ўзимга.

208

Лабинг устида ҳол бежо омода,  
Кўриб они бўлдим беҳол ман сода.  
Бу ҳолдин бор эси оғмас мабода,  
Кими қалби бўлса беҳис, амода.



209

Кўриб разми табассуминг мабода,  
Юрак ўйноғига тушмай, бер бода.  
Кўркма,дилбар,мен пастдаман,ошоқда,  
Сен учарсан хаёлимда, самода.

210

Ишқ уч ҳарфдан иборатдир-«айн»,«шин»,«қоф»  
«Айн»-кўз, «шин»-тишлар, «қоф»-тоғу,йўқ лоф.  
Юксақ,маҳкам ҳам пок бўлсин деб ишқни,  
«Кун» дейилмиш «нун» олдига қўйиб «қоф».<sup>1</sup>

211

Ҳазилимдан бирда ёмон қарадинг,  
Гўё менмас,рўпарангда-қора динг.<sup>2</sup>  
Балки мени ўта ёмон кўрасан,  
Ё хуш,кўриб шундай боқдинг ҳайратдин.

212

Табиийдир ортса ишғтиҳорлари,  
Ўзга ўзса, ортар ишғтибоҳлари.  
Мақтанчоқликка йўрарлар ким фаҳрин,  
Ўзларин билинмас ифтиҳорлари.

<sup>1</sup> *Худо тало мавжудотни пайдо қилишда "Кун" - яъни "бўл,пайдо бўл" дея буғруқ берган, дейишда.*

<sup>2</sup> *Динг (шева) - устун*

## 213

Бир бошга бир ўлим борин рад этмас,  
 Барибир, ўз мавтин кўпда қайд этмас.  
 Ҳар замон ора кўтарар қимлар тобутин,  
 Лек ўзин ўлимга муқайяд этмас.

## 214

Бахтимдагин кўраман деб яшадим,  
 Ёрга елка ўраман деб яшадим.  
 Камтарларга бошим эгдим ергача,  
 Тўраларга тўраман деб яшадим.

## 215

Ўйдим-чуқур бўлмас экан қарига,  
 Оёқ бўйсунмас ёш босган сарига.  
 Қарамасдан ташлаб бўлмас қадамни,  
 Ҳар чуқур - ўй тортар ўзин қаърига.

## 216

Қимор аҳлига дўст бўлмас ким азал,  
 Сийратида бўлмаса бир ишқал сал.  
 Қиёси йўқ дуди фалак бўлгусин,  
 Гар ашаддий беданавоз бўлса кал.

217

Ўзингда бор важни сўрашлик ўсал,  
Даги уни аямаслик бир касал.  
Майли,қовоқ осиб олдингми,дерлар,  
Киши отин минсанг,кўтар орқанг сал.

218

Ҳозир вақт кам,ўйлашга маҳл керак,  
Шу боисдан мухтасар нақл керак.  
Бежиз эмас, ақллига ақлини  
Бопқармоққа,демишлар,ақл керак.

219

Кел,эй мушғир,яхшилиқдан хабар бер,  
Бунча оғир,яхшилиқдан хабар бер.  
Жонга тегди,наҳот адо бўлмас-ей,  
Бадлик ахир,яхшилиқдан хабар бер.

220

Беишқ узоқ умр суви бир сатл,  
Айш-фароғат,дерлар кўпмас,бир ратл.  
Бир қултум бас ишқ аталмиш отадан,  
Ул майдонда майли,қилинг сўнг қатл.

221

Шаклланиб борар тинмай чархи дун,  
Кимлар келиб-кетар шод-у,бағри хун.  
Кимлар давр равнақининг покрави,  
Кимлар уни кемиради куну тун.

222

Мазали бўл,васфу васлинг сўзларлар,  
Тузсизларни - бузилмасин кўзларлар.  
Шаҳду шакар ўзин сақлар, шу боис,  
Қовуннимас, бодрингни тузларлар.

223

Сўз югурак,сенлайди,гоҳ сизлайди,  
Кўз югурак,ақлни гоҳ гизлайди.  
Яхшиямки одамзоднинг бахтига,  
Туз югурак,насибангни излайди.

224

Бодда гул тўккандай ўриклар гулаб,  
Бесамар қолар ким оғзидан гулаб.  
Бефайздир мевасиз - ҳосилли дарахт,  
Елга берма лафзинг,ноқис очма лаб.

225

Узоқ йўлга дапак<sup>1</sup> отни танларлар,  
Мубҳамлиги йўлда қолар, деганлар.  
Бежиз эмас донишларнинг ўтити:  
Сафарга ҳам мардни танлар эранлар.

226

Дунёда йўқ бенуқсон, бешайнлар,  
Лекин фожеъ, дўст бўлса бетайинлар.  
Йўлинг равон бўлмас икки дунёда,  
Йўлдош бўлса - қалби кўр-беайнлар.

227

Кимсалар бор ҳар муқомга бозигар,  
Иши тушса, ёғли хумга ботирар.  
Силаб-сийпаб, кўярга жой тополмас,  
Ишнинг тушса, бошгинангни қотирар.

228

Кими бўлса юракда сувайдоси,  
Этмоқ эрур ёмонлик муддаоси.  
Поқдоманнинг йўли равон ҳамипша,  
Юзидадир яхшилиқ хувайдоси.

<sup>1</sup> *Дапак (шевә) ; геладиган.*

229

Машойиҳлар демишларким, гоҳ ҳусн  
Бахтдан кўра келтирмишдир ғам,ҳузн.  
Бетапвиш бахт булбулсиз боғ,мушксиз гул  
Чирой нур соҷғуси мисли раҳшон Кун.

230

Ҳар неки аъмолда эрур ким мусриф,  
Толеъи бўлмагай муфтаҳир,мушриф.  
Қадрини бил амални ҳам,мулкни ҳам,  
Илгинга бир бора этармиш ташриф.

231

Бунча бесас бақирасан,бу не бонг?  
Дилни эзар авжи нолон мунг-оҳанг.  
Беун нидо этма. Оғзингни очгин  
Ииртилмасин бўртиб томирдан ёқанг.

232

Кўрмай кўрган кундуз чироғ ёқади,  
Қуёш порлаб турар, бироқ ёқади.  
Билмайдики,тежаб-тергаб ёққанда,  
Куйдирмай безиён, йироқ ёқади.

233

Ваҳимага ўрин берма,лош этма,  
Умр қисқа,бадсўз дема,фош этма.  
Беўрин кимсани, бағрин яралаб,-  
Оқибат ўзингни кўзинг ёш этма.

234

Сухбатингни маъқуллаар ким юз билан  
Ёхуд маъқулламас қараш, кўз билан.  
Лоқайд кимки яшар, Худо сақласин,  
Сездирмас на юз-кўз, на-да сўз билан.

235

Дониш аҳли хўп нақл этмиш, қаранг:  
«Шаппотлаб қизартгин юзинг,бериб ранг.  
Айрон ичиб тишинг кавла,бош этма,  
Чўнтагингда бўлмаса ҳам бир чақанг».

236

Саодатманд улким, солиҳ сойибдур,  
Собит сийрат йил баробар сойимдур.  
Бу янглиг иймони бутун содиқ-ла  
Ҳариф бўлсанг ўйингта ўй,қойимдур.

237

Бойлик гурбат, кўлинг очик бўлмаса,  
Сойирлик пуч, йўлинг очик бўлмаса.  
Ровийлар дер, ризқинг бутун бўлмагай,  
Юрагинг кенг, кўнглинг очик бўлмаса.

238

Ғализ фикр ҳариф кўп ажойибдур,  
Соя келса бошингга тез гойибдур.  
Ғаразига айтма сиринг, дўст билиб,  
Мусоҳибмас, қачон сўздан тойибдур.

239

Иқтидорли сезмас, майл - ижтимода  
Ҳам яқинлик - беилм интимода.  
Ғар олим, ул эшитмоқ афзал билур,  
Сўзлашдан ҳам ҳикмат кўп - истимода.

240

Ушоқ эрур фикри ушоқ одамлар,  
Сарбаладдир азал уншоқ одамлар.  
Ҳамма замон ожуз - ожизлигидан,  
Чақимчидир қалби қапшоқ одамлар.



## 241

Яшаш ҳам, ўлиш ҳам - янгилик эмас,  
 Умргузаронлик - тангилик эмас.  
 Тик яшаб, тик ўлмоқ саҳнасиدير бу,  
 Фақатким бир сайри-сангимоқ<sup>1</sup> эмас.

## 242

Ишқ баландда эди, арши аълода,  
 Ҳам чуқурда эди, қалби арсода.  
 Ерга тушди. Чикди кўча-кўйга ишқ,  
 Сарсон бўлди. Шовқин-сурон, арбода.

## 243

Кўнгул истар мудомо шойисталиғ,  
 Ҳар соние гулгадир вобасталиғ.  
 Бехаридор бир гулу гиёҳ йўқдур,  
 Чун соғлом кўп. Ва оз эмас хасталиғ.

## 244

Сен киймаган узун-қисқа қабо йўқ,  
 Тийратингда баъзан-баъзан ибo йўқ,  
 Асабларим нечоғ қақшат, дилим эз!  
 Барибир, сендаин бир дилрабо йўқ.

<sup>1</sup> *Санга (тева) - сайҳатчи.*

245

Жоним севдигим, жононим эрусан,  
Онгим-билдигим, ҳар оним эрусан.  
Сени танидим, нурланди куну тун,  
Қувват келдиким, дармоним эрусан.

246

Бу дунё иши - сен бирла тарабдур,  
Боқилинг - дил ўйноғига сабабдур.  
Кўрганда мени, нурланмиш нигоҳинг,  
Билмам нечун ағёрлара қарабдур.

247

Тобақай тобон ўпарман ёлбориб,  
Тобақай қайрар тишин ағёр бориб.  
Бериёзат не ошиғлик, дер кўнгул,  
Тавакқалдур аъмолинг, жанг сол, бориб.

248

Сен юрарсан боғда, сайрона-сайрона,  
Ман эрсам, бу ёқда ҳайрона-ҳайрона.  
Нечун билиб-билмасликка олурсан,  
Фигонимдан дилим вайрона-вайрона.



249

Не оташ ўйнар кўзинг қароғинда,  
Учқуни сачрар ҳар ён қироғинда.  
Бир боқиб этмиш наҳот,мажруҳ,дедим,  
Малҳами гар бўлмаса яроғинда.

250

Бунча солиқ қошу қабогинг,эй ёр?  
Маҳзун боқар кўзу қароғинг,эй ёр?  
Зулматда қолдим ман,зору асиринг,  
Табассум эт,ёққил чароғинг,эй ёр.

251

Ишонма, гул муддаоси, десалар,  
Ҳам зркалик иддаоси десалар.  
Ишонма ҳуснинг гадоси десалар,  
Ишон лутфингни шайдоси десалар.

252

Жаҳон саҳни нечоғ кенгдир,нечоғ тор,  
Нечоғ шодлик, нечоғ кўп унда озор.  
Бари озор манго хушдур, гўзал ёр,  
Ошиғликми?!-эмаскан диллар афғор.

## 253

Жонсўз жоним, жоннисорингман ҳануз,  
 Ёқди ҳажринг, хокисорингман ҳануз.  
 Жонфизо лутфинг дариг этма дилим,  
 Безабонинг, сирли торингман ҳануз.

## 254

Ваъдада турмай вафонгни этдинг салб,  
 Нечун ўтда ёниб-ўртанмасин қалб.  
 Сани ҳам кўргутинг бордир олдинда,  
 Ушшоқ майдонида яшар аҳли ҳарб.

## 255

Замон ўтиб на айш-даврон қолади,  
 Яшамоққа на куч-дармон қолади.  
 Недир битмас юз йил умр кўрсанг ҳам,  
 Бир кун етмай, дилда армон қолади.

## 256

Ёраб, борми дарди дилим давоси?  
 Вожиб бўларми қалбим муддаоси?  
 Жунун даштида ишқ тўполониман,  
 Ҳамдамидир ушшоқларнинг дуоси.

257

Майли, кўргум беҳад алам, ранж-ано,  
Сажда этгум фақат сенга, Раббано.  
Бу жаҳондан ўтган не алломалар,  
Дебон гамдан бўлди бошим хам мано.

258

Чўп тушмасин, омон бўлсин ҳадақа,  
Дея элга гоҳ берурмиз садақа.  
Сен яратган киприкларга шакмасму?  
Ўзинг кечир муслим бўлса мендақа.

259

Раббим, инжу маъвизанг ҳар донаси,  
Лекин нечун, айтай, келди хонаси-  
Айшда мудом нодонларнинг нодони,  
Пойин пойдур доноларнинг доноси?!

260

Сенга еткай дебон ниҳо айлар нос,  
Бир ишқал бор, йўқса, не айюҳаннос!  
Оёқ остидадур ойдин орзулар,  
Дасти дароз, юқсақда аҳли васвос!

261

Ё Робб! «мин шаррил васвасил ханнос»,  
Ўзинг асра - «минал жаннати ваннос». <sup>1</sup>  
Тавба, ким уялмай паноҳ сўрайди,  
Бир умр сирдоши эрса-да васвос.

262

Фалокатга дуч этмоқ бўлса алҳақ,  
Кўзинг боғлаб, ақлинг ноқис этар Ҳақ.  
Зеро чиқар молга сабаб эгаси,  
Илло, барча озор чекдим, дер, ноҳақ.

263

Инсон тугилгандан ўлғунича то  
Ўлмайман деб топар ажаб интиҳо-  
Бу тенгсиз курашда мағлуб ўлгонни  
Тортар ўз домига олами бақо.

264

Кунинг бўлса, бошда осмон қолади,  
Йиқсалар ҳам отдан, камон қолади.  
Дерлар-ку, ёронлар, қирқ йил қиронда <sup>2</sup>  
Қазоси етмаган омон қолади.

<sup>1</sup> Эй Парвардигоро! Одамларнинг дилларига васвас солувчи шайтоннинг ёловлигидан паноҳ тилашман.

<sup>2</sup> Қирон (шева) - қирғин.

265

Ем бўлмай на сомон, на дон қолади,  
Ўлмай на яхши, на ёмон қолади.  
Фақат бир-бирларин бошини гажиб,  
Устидан кулмоқчи замон қолади.

266

Ушалсин-чун не-не орзу, армонлар,  
Чиқар кўз қувнатиб ҳукми-фармонлар.  
Бироқ адо этолмасдан аҳли жоҳ,  
Ёмон отлиг бўлган ҳамма замонлар.

267

Ўтаберар ким мулойим, ким қотма,<sup>1</sup>  
Кимлар виждон сотиб, дер виждон сотма.  
Қўл силтаб излайсан баъзан тасалли,  
Дунё, қасри бир, чотма-ку. Бир чотма.

268

Алқусус одам деманг ким қартабон,  
Ё беор у борлиқ мизожи ҳайвон.  
Ўт қўярди бепомуслик уйига,  
Томирида оқса эрлик қатра қон.

<sup>1</sup> Қотма (шева) - такаббуур.



269

Эй алдоқчи, бўлар-бўлмасга чотма,<sup>1</sup>  
Беандиша фириб тошпини отма.  
Гуноҳ ботмоғи тубсиздир, йиғ эсинг,  
Ўзинг пайдо этган балчиққа ботма.

270

Сафоҳатни ўлчамаслар килода,  
Судрамаслар кўча-кўйда қилода.  
Индамаса билмайдилар нодонни,  
Кўп сўзлайди, ҳамма гап шу балода.

271

Мен ҳаммани суяман, балки бу хатом,  
Беиложман, шудир ўтити отам.  
Тош отсалар, тамкин-таскин топаман,  
Не бўлди қўйни ипсиз бериб Ҳотам.

272

Кўз қирингдан сесканиб келди гашим  
Бесабаб ҳам беўрин бу не хашм?  
Сўнг-чи, кўрдим ийнар экан сабоҳат  
Гар суйиб, рапқдан газаб этса чашм.

<sup>1</sup> Чотма (тева) - алдама.

273

Оташин ишқ, севгида мен яккамен,  
Яккалитим гам-азобин чекамен.  
Барибир кенг ошиғлик бўстонига  
Мард, матонатлик уругин экамен.

274

Не битиклар бор умр авроғида?!  
Товланар бахт якшилиқ байроғида.  
То тирик борсиз, тутингиз сарбалаңд,  
Чун ёритгай йўлингиз адоғида.

275

Иккимас жоним менинг. У таңда бир,  
Барчага бир хил меҳр кўфванда бир.  
Тангилик этсам шу боисдан, не тонг,  
Бир Ватаннинг ўглиман. Ватанда бир.

276

Юрт васфин куйларлар назму дostonда!  
Кўпдир шайдойи булбул - гул-бўстонда.  
Мани мақомотим - азал навосоз  
Хоразмдир улкан Ўзбекистонда.

277

Бир дарахт самарли, бири бесамар,  
Бир қадам зарҳалли, бир қадам зарар.  
Оёгинг остини кўрмогинг душвор,  
Оллоҳ қўлламаса, бермаса басар.

278

Софликни сақлашга маҳорат керак,  
Ҳам фаросат, сабру матонат керак.  
Бисёрдир бетайин, ботил, риёкор,  
Сақланмоқ кўп оғир. Жасорат керак.

279

Қақшар асаб, тарангдир сокинликдан,  
Қулоқда занг жарангдор сокинликдан.  
Сукунат қўйни даҳшатли - қаританда,  
Юрак йиғлар - маънадор сокинликдан.

280

Бугун ҳама димоғинда ҳаводорлиг,  
Манго ким этар ҳўстар-ҳавондорлиг?  
Наҳот, амал курсисига саждангиз,  
Қайда қолди ихлосга тобондорлиг?

281

Не қадар кўпдир элда мард-ботирлар,  
Вале озмас риекорлар, ботиллар.  
Бунга кирмас кўриниши фаришта,  
Кулиб бетиг ўлдирувчи қотиллар.

282

Боғ яратганинг кўнгли бўлмас тор,  
Бино қурган тоғдай, кўркама, намудор.  
Ғийбат қура бошлар - ким қолса бекор,  
Кимдан Худо безор, бўлгуси ғаддор.

283

Бевақт кессанг гар дарахт шохасин,  
Тинглаб билгин, гаму андуҳ, носасин.  
Япроқлагач, кесган жойдан қон чиқар,  
Тупроқ босгин, малҳами ашк жоласин.

284

Тупроқ ҳам одамдай, мазали, нордон,  
Мулойим ким қаттиқ, синдирар дандон.  
Кало бўлиши<sup>1</sup> ҳам, ё тавба, бирдай-  
Бузилса, қирқ йилда бера бошлар нон.

<sup>1</sup> *Кало бўлиши (шева) - етилиши.*

285

Вафоли бўл бошингга қўнган бахтга,  
Учса гар душвордир қайта ражъатга.  
Сўнг билурсан қадрини ким кеч бўлур,  
Булбул қўнмас қуриган ҳеч дарахтга.

286

Чумчуққа довулдилр тебранса терак,  
Вужуди япроқдай тебранса керак.  
Жон ҳолат потирлар қўрқоқлигидан,  
Чун шовқин солар ким, бўлмаса юрак.

287

Азал битиқлари, ёзғит достонида,  
Шодлик кўпмас тириклик достонида.  
Ғам кирмас бўсаға бўлса мутарро,  
Пок тутинг ҳикмат бисёр остонада.

288

Тортар ҳар хаёллар хоб хонангизда,  
Гоҳ гам босар якка қолганингизда.  
Елғизлик истаманг, чун кутиб ётар-  
Ёлғизлик кўлики<sup>1</sup> остонангизда.

<sup>1</sup> Куляк (шева) - мивийш улови.

289

Чорасиз, ҳоли забун ким ҳожатманда,  
Бўйнига истаб қолар тўрт эн каманда,  
Аксари дард бергай арқон ўрнига,  
Ақрабо гижгингладиб тулпор-саманда.

290

Бахт шарҳидан сўз адо бўлмас ҳеч вақт!  
Ким дер у соғлиқда, ким дер тожу тахт.  
Балки мухтасардир бахт бир қарашда,  
Бахтсизлик йўқлиги ўзи улкан бахт.

291

Сал нарса гаммас, бўлсанг саодатманда,  
Қаддинг тик, ҳаммас, бўлсанг саодатманда,  
Нозу неъматлар худ наими равза,  
На шўру каммас, бўлсанг саодатманда.

292

Бунча ўхшамаса ер билан одам,  
Иккови ҳам ишловга муҳтож мудом.  
Илло, тепкиласанг одам ер бўлар,  
Ер одам бўлмайди, тепманг мустадом.

293

Нодон оёгини суяр, дейдилар,  
Бошин ишлатмайин юрар, дейдилар.  
Шу боисми, шавла есанг нодон ила  
Оёгингни таги куяр, дейдилар.

294

Нуқсонин эшитиб ҳар ён - ҳар ёнда,  
Ёқасин ушларлар ҳайрон - ҳайронда.  
Чун айбин айтолмай дўсти-дўстига,  
Ёзгаради<sup>1</sup> четта аҳён-аҳёнда.

295

Залолат бир қадам, қалтис бир қадам!  
Англайди - кўзлари очилса одам.  
Вале кеч бўлади, ўйлаб бос қадам,  
Дерлар-ку бир дам оз, кўп эрур бир дам.

296

Эҳтиёжга кўп эрк берма, умр қисқа,  
Ҳашамингга кўп кўрк берма, умр қисқа.  
Ақрабодан муҳаббатинг аяма,  
Ақлу зеҳнинг усрук этма, умр қисқа.

<sup>1</sup> *Ёзгариш (шева) - айтиб чиқиш.*

297

Огоҳ бўлгин, ўргатганим бўлмасин,  
Риёкорлар дилингдан жой олмасин.  
Ақл тарозуси нега берилган,  
Ишлатиб тур, бекор занглаб қолмасин.

298

Қалбу жонингни тутиб, алдайди сўз,  
Борлигинг мафтун этиб, алдайди сўз.  
Алдасан бир ҳиссиёт. Шодлик, гаминг  
Алдасандан ҳар қачон куйлайди соз.

299

Ўғлим, интиқ ёлғизланиб қолмасга,  
Улфатингни хижолатга солмасга.  
Дўстни душман қилмай, десанг қарз берма,  
Сўраса улуш бер, қайтиб олмасга.

300

Дўст тутингил асли зиёдан бўлса,  
Оллоҳга сол рўйи сиёдан бўлса.  
Ожиз билма рақибингни, айниқса,  
Калтафаҳм, қавми риёдан бўлса.



301

Ҳаждан шайтонга тош отмай қайтганмиш,  
Гуноҳкор тош отса йўлдан адашмиш.  
Йўкса, Ҳаж сафари не керак бўлди?  
Нечун одам мудом ўзин алдамиш?

302

Тушлар таъбирини ечмоқ бўлурлар,  
Сир-синоат қулфин очмоқ бўлурлар.  
Кўнги хижил бўлмасин,деб яшшига  
Йўриб,ёмонликдан қочмоқ бўлурлар.

303

Бесаводлигдин ақл этгувчи кўп,  
Турфа ривоят,нақл этгувчи кўп.  
Бесаблик бесаводлиг меваси,  
Салга тутоқиб,жаҳл этгувчи кўп.

304

Адолат ояти аминлиқдадир,  
Толё маснади хуш жабинлиқдадир.  
Ҳеч замон бир зайил кечмас амният,  
Бидъат бидояти худбинлиқдадир.

305

Ўйлама авжида алдов, ҳазар йўқ,  
Неча қилсанг яхшилиқ ҳам, назар йўқ.  
Денгиз юзин осройиши алдамчи,  
Бир замон бўлмаган зеру забар йўқ.

306

Инсонликка одиллик зеб, фазилат,  
Вале ондин келар аҳён мазалат.  
Адолатнинг барибир уфқи ёруғ,  
Аммо келмас жаҳлатдан жазолат.

307

Доно қаноатига етар, бўлса оз,  
Кам - аҳмоқ зотига, неча бўлса оз.  
Шунданми дунёда бахтли одам кам,  
Не умр кўрса ҳам, кетар бўлса, оз.

308

Таранглама кўп, чидамас асаб торинг  
Ва тоб бермас метин бўлса-да тобинг.  
Узилади зарбдан танбур симлари,  
Не кутасан пўлат бўлгач, мизробинг.

309

Дилинг уйтоқ, кўзингда бўлсин хобинг,  
Сабру чидам бўлсин мудом ҳижобинг.  
Ухлатма дил, жиловларлар ўзингни,  
Бўшаб кетса жиловидан инсофинг.

310

Қай замон комраво бўлсақим комрон,  
Аҳли эл комрона яшайди омон.  
Балки умринг ўтар гоҳ шоду маҳзун,  
Қачон келаркин, деб ундайин замон.

311

Устамонлар, тавба, лақаб қўйишга,  
Бирор ҳайвон исмин тақаб қўйишга.  
Сичқонми, хўкизми, хўтик ё кучук,  
Ва ҳар он эслатиб, алқаб қўйишга.

312

Инсофинг борми, дер олувчи одам,  
Инсоф қилинг-да, дер сотувчи одам.  
Бошқа бир инсофсиз қилар даллолик,  
Гўеки инсофли - кузатувчи одам.

313

Тезоблиғ авжида айни аснода,  
Лоқайдлик барқарор шарми иснода.  
Бу янглиғ инқироз топмағай итмом,  
Камситиш бор эрса ҳар не асмода.

314

Сохта салобатта менгзар бежода,  
Буларга ишонар кўнгилчан, сода.  
Лаъли ноб баҳоси ҳамиша баланд,  
Арзон беқадрдир, беқадр лода.

315

Не бахтки яшасанг баҳоли аҳсан,  
Ҳалоллик ўйнаса кўзингда равшан.  
Не фойда тиллодан, инжу-дурлардан,  
Устингдан тушмаса зил-замбил жавшан.

316

Ҳамма ҳисоблашар вазият ила,  
Риёдан гам чекма азият ила.  
Мавқеъингдан мосуво бўлсанг мабодо,  
Аксар видолашгин вадиат ила.

## 317

Этди даштни сабзо матари найсон,  
 Ёғди қум узра ҳамоно дурафшон.  
 Ажиб ёвшон хидидан маст қуёнлар -  
 Кўксин шодон этар сайёдга нишон.

## 318

Парвози баланд қуш гўшт ейди, ғожир,  
 Пастдаги қушларнинг бошини ғажиб.  
 Юксақдан кўрқибми паст учар қушлар,  
 Бундай бир ҳолатни кўрмоқлик ажиб.

## 319

Қулоқ қўйинг қушлар жамоасига,  
 Ухшар тарафларнинг жангомасига.  
 «Гурр» этиб учдилар, ҳар ён сочилиб,  
 Мангзар беқанотлар ҳангомасига.

## 320

Чумчуқ чугурлади, солди дупурди,<sup>1</sup>  
 Қаҳр ила бойқуш томон тушурди.  
 Қаноти бўлса ҳам учиб кетолмай,  
 Тирик ем бўлишин кутиб ўтирди.<sup>2</sup>

*1 Дупурди (шова) - гавго, шовқен*

*2 Ривоят қилдишларича Тавтри тавло томонидан бойқушта ҳар кунга 2 та чумчуқ ато этилган эмиш.*

321

Гул сабаб булбул фигонига, дуруст,  
Макиёнин завққа солмиш ё хурус?  
Вожабким, бир шу ишқ изҳоридан,  
На анодил, балки олам дилфуруз.

322

Садоқат рамзидир кўқда оққушлар,  
Отларга ердаги олий олқишлар.  
Садоқатта хиёнат этмасликни,  
Жазомасми ҳайвонлардан олмишлар?!

323

Чилдирманинг саси келди: так-гум-бак,  
Сўнг кўшилди анго гижжак, тор тунбак.  
Емай йигиб, гуруридан тонг-саҳар  
Карнай чалиб, ош берар элга ўзбак.

324

Кимдир ухламайди ўй суриб лайлан,  
Тунлари узаяр ўйлаган билан.  
Ўй гирдобин пайдо этма, чўқарсан,  
Нега кор қилмайди сўйлаган билан?



325

Қай биров алданиб амал,мухрга,  
Ноқис мақдамидин учрар нуфурга.  
Шундай ҳам оз эмас кулли шайтанат,  
Отоҳ бўл, эй одам, ботма куфрга.

326

Энг арзони соғлик - умр бозорида,  
Ҳаво янглиғ билинмайди борида.  
Энг қиммат ҳам соғлик,магар йўқотсанг,  
Қийматин юрган билар - озорида.

327

Ким доно,ким нодон эл яхши билар,  
Илло, айтмас, зеро оқиллик қилар.  
Аmmo элда ақл берар коҳиллар,  
Ўзин оқил сезар бари телбалар.

328

Кими келмас кўлидан қилмоқ карам,  
Қилмасин бир зарраи ёмонлик ҳам.  
Чун анго токим азал мансуб эмас,  
Ложарамнинг иши доим ложарам.



329

Сўзон сўзандадай бўлса сўзлуғ сўз,  
Баробар маънили, бўлса тузлуғ сўз.  
Ҳар не ўқдан, ҳар қиличдан ўткир, чун-  
Ҳам қулоқли ҳам огизли, кўзлуғ сўз.

330

Худбин худородан Худо сақласин,  
Қалби кўр, хородан Худо сақласин.  
Умрингни эгови ёмон қўшнини -  
Кўрмак кун орадан Худо сақласин.

331

Қофия топишни суяр неварам,  
Дедим яхши қофия - «калаварам».  
Бола-да, кулиб деди «саллаварам»,  
Сўнг маънос кўзида ёшланди алам.

332

Чилим читди, бармоқ буқди, гул битди,  
Неча бўлар, айт, етти жойда етти?<sup>1</sup>  
Бармоқ букиб кичкинтойлар ўйинда  
Ютар, бўлса ақли тез, зеҳни йитти.<sup>2</sup>

*1 Қадим ривожат олимлари бармоқ букиш ёули билан хоҳлаган сонни дақиқаларда кўнайитириш илминин яратганлар. Афсус ҳозирда бу зеҳн чарлаш ўйини Хоразмда ҳам кам сақлаётган*  
*2 Йитти (шева) - ўткир.*

333

Дўстинг яхшилигин қўш, ҳисоб айла,  
Гар келса қўлингдан, бир китоб айла.  
Биродаринг не тиласа, аяма,  
Фарзандлар обрўсин иртиқоб айла.

334

Дўст уйига ифтихор айлаб боринг  
Ва ҳар қачон, эътибор айлаб боринг.  
Ташрифим боқадр бўлсин, десангиз,  
Бот-ботмас, сал интизор айлаб боринг.

335

Ҳамма замон - яхшилар елкасида,  
Меҳр раҳшон - яхшилар ўлкасида.  
Эл тилаги, бахти, марду майдони -  
Олқишланар бахшилар ўлкасида.

336

Қайсин айтай, кўп адашдим, во-дариг,  
Қасам ичиб, хўп алдашди, во-дариг.  
Ёмонликка яхшиликлар қайтарсам,  
Гўллар, қўрқоқ деб аташди, во-дариг!

337

Ёмон қовун уругидай иблис кўп,  
Анго эргашмоққа нодон, муфлис кўп  
Ва кажрав фалакнинг найрангбозию,  
Ёқа очик, кўзлар сузик, таҳрис кўп.

338

Банги хаёлида борлиқ мулойим,  
Ҳамма сархуш. Сергак йўқ. Йўқдир қойим.  
Билмас қуёш қачон чиқиб-ботади,  
Яратдингми, тирик лошни, Худойим?

339

Сен, эй муслим, илм муқтадоси бўл,  
Тоабад тўғрилиқ мутгакоси бўл.  
Қил тазарру саҳву хатоға мудом,  
Гумон бўлса, қўй нуқта, адоси бўл.

340

Кимдир тепада, деб сен емагин гам,  
Анинг ҳам тапвиши қадин этмиш хам.  
Бедил деган: «Бошга пойдан тушар чанг,  
Тепада юрсанг ҳам, пастда юрсанг ҳам».

341

Хуномиздир хунобнинг хунбаҳоси,  
Ямоги гамдандир андуҳ яқоси.  
Хунга хунмас,иста тўзим ўзингта,  
Хўблукдадир кун-фаякун бақоси.

342

Эй париваш,жонфидойингман ҳануз,  
Куйиб ишқингда, адоийингман ҳануз.  
Сарвиқадлар сарвари султонисан,  
Қил тараҳқум,бир гадоийингман ҳануз.

343

Тоғдан гўзал тушиб кела бошлади,  
Ёнида ел ҳайрон ела бошлади.  
Айролиқ мақдамин суръатидан тоғ  
Кўксиким,намланиб қола бошлади.

344

Қанча қаҳр этмасин ул сарвинисо,  
Ҳар не юк пар зрур то қаддинг расо.  
Букчайганда қаҳрли бир нигоҳ ҳам зил,  
Қўлингта бўлса-да, пўлатдан асо.

345

Мани суйсанг бир умр инқилобингдур,  
Сани оввора қилар ипгибоҳингдур.  
Юзинг қаро қилар ғанимлар ила-  
Қалбим яро қилар иттифоқингдур.

346

Дилбар ёрим, қолғум қузнинг йўлида,  
Неки борим сочғум ҳуснинг йўлида.  
Бахтим шуки, онгли умрим бахшида  
Сендайин пок, маъсум эсинг йўлида.

347

Олам ўзгарувчан, тилсимли бисёр,  
Кимлар тош отади - дўстми ё ағёр  
Ва лекин, аниқким, бахт тополмассан  
Улфат оёқ узса, юз ўтурса ёр.

348

Лутфи табъ ифтихор этдигимдандур,  
Шавқли шаб дил изҳор этдигимдандур.  
Чор фасл зеболи, олам мунаввар,  
Сани, гул, иштиёр этдигимдандур.

349

Юз вафонга минг жафо келгусидир,  
Кимки қилди ани нечун кўргусидир?  
Нечун фалак бу қадар кажрафтордир,  
Яхшилар жафо гулин тергусидир.

350

Гўзаллардан вафо исташлик - хато,  
Ўсаллардан сафо исташлик - хато.  
Билсанг, умр иши кўп хатолигим,  
Ўзгалардан хато исташлик - хато.

351

Шўх создан хурсандлик малоҳат эрур,  
Зоҳидча нўшхандлик малолат эрур.  
Кўзинг оч, нидо бор созда, навода,  
Мудом мустамандлик маломат эрур.

352

Дил оғрир бир қаттиқ газаб нигоҳдан,  
Озорлаб ортгирма гуноҳ бегоҳдан.  
Банда кечирмаса, Оллоҳ кечирмас!  
Ўзинг асра, кечирилмас гуноҳдан.



## 353

Бу дунёга кимлар келиб, кетмади,  
 Ким етди орзуга, кимлар етмади.  
 Вафолиғдин кўрмасам-да вафолиғ,  
 Эътиқодим бевафолиғ этмади.

## 354

Кунларни беомон тунлар тортади,  
 Ташвишлар улғайган сайин, ортади.  
 Бугун бахтиёрсан шукр эт, ўғлим,  
 Эрта тонг ким билсин, қандай отади.

## 355

Сўз кетганда бир оддий сўз нарҳидин,  
 Чуқурроқдир тубсиз маъни наҳридин.  
 Чун огоҳдурмисиз неча минг сафҳа,  
 «Ло илоҳа иллоллоҳ» нинг шарҳидин.

## 356

Абжадда «ҳо» -уч сон, кўшлар билади:  
 «Беш», «саккиз», «олти юз» бўлиб келади.  
 «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»да «ҳо»лар  
 «Беш», «саккиз»- илтижо, тўлиб келади.



## 357

Неча йил иродат сафҳатин туздим,  
Бедорлик,риёзат лаззатин туздим.  
Аё дўстлар, уч юз олтмиш рубоий -  
Дилдаги хушният касратин туздим.

## 358

Яратганинг Ўзи бўлса гар ҳодий,  
Умр бўлгусидир сафоли, шофий.  
Донишлар, неча минг йилким айтмасди,  
Адаштирамагайсан йўлдан, Илоҳий.

## 359

«Омин!Раббано отино фи-ддунё,  
Ҳасанатан ва фил охирата,  
Ҳасанатан ва қина азоб-ан нор»<sup>1</sup> -  
Ҳилму такаббурни тенглар илтижо.

## 360

Кўп замон ва бир санада, ниҳоят,  
Уч юз олтмиш рубоий кўрди руъат.  
Қай мисрада ки, гализлик топсангиз,  
Дуруст ўқиб, кўргузгайсиз иноят.

<sup>1</sup> *Эй Парвардигоро! Бу дунёмигни  
ва охиратимизни гўзал қил ва  
дўзах ўтидан Ўзинг сақла.*

А

Абас	- бефойда.
Авзон	- ўлчовавр.
Аврок	- варақлар.
Адад	- сон.
Азҳор	- гуллар.
Аёқ	- қадаҳ.
Айёш	- маипатпарастлар.
Аймон	- қасамлар.
Айюҳаннос	- эй одамлар.
Амин	- амонатга хиёнат қилмовчи.
Амният	- тинчлик, омонлик.
Амо	- кўранк.
Анодил	- булбуллар.
Арбода	- тўполон.
Арсо	- кенглик.
Асмо	- исмлар.
Асно	- шу пайт.
Ашжор	- дарахтлар.
Апки галтон	- думалаб оқувчи куз ёши.
Аъмол	- ишлар.
Ақида	- ишонч, эътиқод.
Ақрабо	- яқинлар, қариндошлар.
Аҳсан	- яхшироқ.

Б

Бад	- ёмон.
Бадгў	- ёмон сўзми.
Бадхў	- бадфезъл.
Басар	- куз.
Беайн	- кўзсиз.
Бежода	- арзон лаъл.
Бешайн	- камчиликсиз.
Бидоят	- бошланғич.
Бозигар	- ўйинчи.
Ботил	- бузилган.

В

Вадиат	- биронга амонат қўйилган нарса.
Вола	- мафтун.
Васвос	- иблис.

Г

Гўянда	- бахши, ашулчи.
--------	------------------

Гумбази даввор - айланувчи гумбази осмон.

Дафина Д - бойлик, хазина.

Жабин Ж - пешона.  
Жавшан - зирях.  
Жазолат - муълик, ортиқлик.  
Жола - дўл, сел.  
Жоннисор - жон фидо қилувчи.  
Жонсуз - жон уртовчи.  
Жонфизо - жонни қувватлантирувчи.  
Жох - мартаба.  
Жўмард - мардалиқ истовчи.  
Жўянда - талабгор.

З Залолат 3 - аданишлик.  
Зариф - зийрак.  
Зароат - итоаткорлик.  
Захира - эҳтиёт учун йиғиб қўйилган мол.  
Зироат - деҳқончилик.  
Зоҳид - тоат-ибодат ила машғул бўлган шайх.

Зулаал - пастлик.  
Зулоли найсон - баҳор ёмгири.  
Зурафо - зарифлар.  
Зухур - кўриниш.

И Идбор И - бахтсизлик.  
Ижтимо - тўпланиш.  
Ижтиноб - сақланиш.  
Ижтиход - жадаллик.  
Илтизоз - лаззатланиш.  
Интимо - алоқа.  
Интифо - йўқолиш.  
Иртиқоб - машғул бўлиш.  
Иснод - нисбат бериш.  
Истимо - эшитмоқ.  
Итлоф - барбод бериш.  
Ифтихор - мухтожлик.  
Иштихор - шухрат топиш.

Касрат	- мўллик.
Каманд	- арқон.
Коҳил	- дангаса.
Кўфван	- тенглик.

### Л

Лайлан	- кечаси билан.
Лода	- аҳмоқ.
Ложарам	- чорасиз.
Лутфи таъб	- зеҳн ёрқинлиги.

### М

Мавт	- ўлим.
Мазаллат	- ҳўрлик.
Мазҳаб	- таълимот.
Мазҳарият	- эрипишлик.
Майит	- ўлик.
Малолат	- малоллик.
Масир	- тамошахона.
Маснад	- юксақлик.
Матар	
найсон	- баҳор ёмғири.
Маъвиза	- ўғит.
Маъбад	- ибодатхона.
Маъсум	- пок.
Маҳл	- фурсат.
Мизроб	- нохун.
Минбаъд	- бундан кейин.
Мосуво	- айро...дан бошқа.
Моу тин	- сув ва лой.
Муаббад	- доимий.
Меҳри раҳшон	- порлоқ қуёш.
Мувозабат	- босим ишлати.
Музир	- зарарли.
Мужнат	- қувват.
Мулкат	- подшоҳлик.
Мунир	- порлоқ.
Мунсариф	- ўзгарувчанлик.
Мунҳадям	- вайрон бўлган.
Мунҳат	- тубавлик.
Муршид	- йўл кўрсатувчи.
Муслиф	- исрофгар.
Мустадом	- доимий.

Муттако	- суйинчик.
Муфлис	- муқтож.
Муфтажир	- фахраванувчи.
Мушгир	- хабарчи.
Муқайяд	- боғланган.
Муқтадо	- эргапувчи.

## Н

Навола	- инъом.
Намудор	- кўринишли.
Нигун	- эгилган.
Нос	- одамлар.
Нусрат	- мадад.
Нуфур	- нафратланиш.
Нуқс	- нуқсон.

## О

Ожуз	- арзон.
Олим ул гайб	- худо.
Омода	- тайёр.

## П

Поён пой	- оёқ ости.
Покрав	- пок юрувчи.

## Р

Ражъат	- орқага қайтиш.
Райб	- гумон.
Разм	- жанг.
Рамақ	- сўнги нафас.
Ратл	- қдаҳ май.
Ривёҳ	- еллар, хидлар.
Ринд	- айш.
Рофат	- юксалиш.
Руст	- маҳкам.
Руъат	- юз очиш.

## С

Сабоҳат	- гўзаллик.
Садр	- кужрак.
Салаф	- мақтанчоқлик.
Салб	- инкор.
Салиқа	- истақ.
Салх	- Ойнинг охириги кун.
Самин	- қийматбаҳо.

- Сатл (шева) - челақ.  
 Сафина - кема.  
 Сабук - енгил.  
 Сафоҳат - подонаниқ.  
 Сағир - ёш, қичик.  
 Сибо - ёшлақ.  
 Сиво, суво - айро, ...дан бошқа.  
 Сиёнат - сақланиш.  
 Сийнат - кўкрак, юрак.  
 Споят - чақимчилақ.  
 Сойиб - тўғри.  
 Сойим - рўза тутувчи.  
 Соғир - сайр.  
 Солиқ - янги ишлар қилувчи.  
 Сувайдо - қора нуқта (гўё бу нуқта юрак ўртасида бўлармиш)  
 Сўзанда - хуйдирувчи.  
 Сўзлут - дардли.  
 Сўзон - ёлқинли.

### Т

- Тазкир - хотирлаш.  
 Талтиф - эрқаланиш.  
 Тамкин - чидам.  
 Тараб - шодмон.  
 Тараҳхум - раҳм қилиш.  
 Таровиҳ - Рамазон ойида кечаси ўқиладиган кўпимча намоз.  
 Таълиф - келишимли қилиш.  
 Таҳрис - ҳирслантириш.  
 Тобондор - нур сочиш.  
 Тунбак - нағора.  
 Туробо - тупроқ, ер.

### У

- Усрук - маст.  
 Ушоқ - майда.  
 Ушпоқ - оплиқлар.

### Ф

- Фазиҳат - расволиқ.

### Х

- Хариф - ҳазон.  
 Харосат - ҳайбат.

Хашм - газаб.  
Хоро - қаттиқ тош.  
Худоро - шуҳратпараст.  
Хуномиз - қон аралаш.  
Хурус - хўроз.

#### Ч

Чотма - чайла.

#### Ш

Шаб • кечатун.  
Шойиста • алоҳадор.  
Шофий • шафоатли, қаноатли.  
Шуаро • шоирлар.  
Шуълазан - равшан қилувчи.

#### Э

Эран - мард

#### Ў

Ўра - устун.  
Ўсал - ёмой.

#### Қ

Қабохат - ёмонлик.  
Қартабон - ўз хотинининг иффатсиз-  
лигини айб санамовчи.  
Қилода - итнинг бўйнига боғлана-  
диган тасма.  
Қойим - баробар, ухلامовчи.  
Кулзум - денгиз.

#### Ғ

Ғаддор - золим.  
Ғайб - кўзга кўринмас.  
Ғирев - шовқин-сурон.  
Ғожири - Бургутга ўхшаш йиртқич қуш.

#### Ҳ

Ҳадақа - кўз қорачиги.  
Ҳадосат - ёшлик.  
Ҳарб - жанг.  
Ҳариф - дўст.  
Ҳяжоб - парда.  
Ҳодий - етакчи.  
Ҳузн - қайғу.  
Ҳулла - кийим.  
Ҳуффоз - қорилар.

Адабий-бадиий нашр

Комил Аваз  
Уч Юз Олтмиш  
(Рубойлар)

Мухаррир Омон Мухтор  
Рассом Р.Қўнгирова  
Расмлар муҳаррири С. Қодиров  
Тех.муҳаррир Ж. Сотиволдиев  
мусаҳҳиҳ С. Рахимов М. Ҳажиева

Босмахонага 15.06.98 да берилди. Босишга 02.07.98 да руҳсат этилди. Бичими 60x90/32 Буюртма N 13-б Адади 1000 нусхада. Шартнома N48-98. Баҳоси келишиган нарҳда.

Отаҳий номидаги Хоразм  
вилоят жамғармаси

«Ёзувчи» нашриёти 700129 Тошкент,  
Навий кўчаси 30

О. Абдоллов номидаги вилоят  
босмахонаси Урганч шаҳри 740000